# Куч — адолатда

2011 йил,
8 сентябрь,
пайшанба
№ 35 (341)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИДАН МУНАВВАР ЙИЛЛАР

**Мамлакатимизда халқимиз орзиқиб кутган Истиқлолнинг йигирма йиллиги катта тантаналар билан кутиб олинди. Элнинг бу муборак тўйи нафақат пойтахтда, шунингдек, вилоятлар, туман, шаҳар ва қишлоқларда, ҳар бир хонадонда бирдек шоду хуррамлик билан нишонланди. Ҳар қачонгидан ҳам шукуҳли ўтган айём ҳали-ҳамон катта-ю кичикнинг кўнглида давом этаётир, десак муболаға бўлмайди.**

**Зеро, мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айёмдир.**



Мустақиллик — энг биринчи навбатда, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир. У ҳар бир халқнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўл очади. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир”.**

Мустақиллик — халқимизнинг иродаси, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши воситаси ҳамдир. Мустақиллик бизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишга, халқимиз салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шуҳратини дунёга ёйишга даъват этади. Зеро, халқимиз бугун тенглар ичра тенгдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари шу йил 31 август куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида қайд этганидек, **«Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик.**

**Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу қутлуғ байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан чексиз бахтиёрман.**

**Ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак».**

Байрам аввалида саҳна четига ўрнатилган замонавий тасвир техникаси барчанинг нигоҳини ўзига жалб этди. Экран орқали ноёб тарихий лавҳалар — Ислом Каримов 1991 йил 31 августда мамлакатимизни мустақил деб эълон қилиши билан боғлиқ тасвирлар намойиш этилди: **“...Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман...”.**

Халқимиз орзу қилган бу тарихий сўзлар, бу лаҳзалар асрлар давомида ғурур ила ёдга олинажак, бугунги ва келгуси авлодлар қалбидан сира ўчмағай.

Айтиш жоизки, мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз қатъий ишонч билан **“Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”** деган ғояни илгари сурди. Бу шунчаки орзу эмас, халқимизнинг буюк тарихи, бекиёс имкониятларига ҳар томонлама муносиб, реал мақсад эканини таъкидлаб, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий асосларини чуқур исботлаб берди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Меҳр-оқибат, бағрикенглик, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўлни кўрсатиш — халқимизнинг азалий қадриятларидан. Катталарга ҳурмат кўрсатиш, кичикларни иззат қилиш, қариндошлик, дўстлик, қўшничилик ришталарини мустаҳкам тутиш қон-қонимизга сингиб кетган. Ҳар қандай келишмовчиликни муроса-ю мадора йўли билан ҳал этиш, аразлашганларни яраштириш анъанаси ҳам диёримизда асрлар оша яшаб келаётир.**

*Bag`rikenglik tamoyillari*

## Ярашув институти — эзгулик риштаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундай анъаналар қайта тикланди ва янада ривожлантирилди. Эътиборлиси, инсонпарварликка асосланган эзгу тамойилларимиз қонунларда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Мисол учун қонунчиликка ярашув институтининг киритилгани ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хусусан, қонунчиликни фуқаролар манфаатига мослаштиришга қаратилган улкан эътибор натижасидир.

Ярашув институтининг ана шундай аҳамиятли жиҳатлари, унинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни, суд амалиётида уни қўллаш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида мухбиримиз Олий суд судьяси Неъматжон АКБАРОВ билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишнинг мустаҳкам тизими яратилган, — **дейди Олий суд судьяси Неъматжон Акбаров.** — Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги изчил ислоҳотлар бунга замин яратди.

Юртимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилгани ҳам ана шу хайрли ишнинг давоми бўлиб, бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

**(Давоми учинчи бетда)**



**Тадбиркорлик — иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир. Қайси мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса, шу жойда ривожланиш, тараққиёт кузатилади.**

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу йўналишда бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бериладиган имтиёзлар кўлами кенгайтирилди.**

*Qonun ko`magi*

## Тадбиркорлик — жамият тараққиётининг муҳим омили

Соҳани ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга таянган ҳолда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойида тадбиркорлик субъектларидан келиб тушаётган мурожаатларнинг кўпчилиги тўлиқ қаноатлантирилди. Шу вақт оралиғида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли идораларга саксонга яқин тақдимнома киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 102 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шунингдек, 3 та ноқонуний қарор бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 78 та 635 миллион сўмликдан зиёд даъво аризаси киритилди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Миробод туманида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор А. Абдумаликов Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими ходимлари ҳатти-ҳаракатлари юзасидан адлия бошқармасига мурожаат қилган. Аризада келтирилишича, А.Абдумаликов архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқишни сўраб, Мирobод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилган ва ушбу мурожаат шу куннинг ўзидаёқ архитектура ва қурилиш бош бошқармасига келиб тушган бўлса-да, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими ходимлари унга бефарқ қараб, ижрода белгиланган муддатни кечиктирган.

Ҳақиқатан, мазкур мурожаатдаги даъволар асосли эканлиги ўрганишлар жараёнида маълум бўлди. Бу масала юзасидан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судига кўриб чиқиш учун юборилди.

Ана шундай ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш мақсадида жойларда назорат қилувчи идора ходимлари билан ҳамкорликда амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, қўшимчалар ва тузатишлар юзасидан семинарлар ўтказиб келинмоқда. Шунга қарамасдан айрим назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рухсатсиз текшириш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Юртимизда қадимдан касб маҳорати сир-асрорларини, йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш оилавий урф-одатга айланган. Тотувлик, ўзаро ишонч, ҳурмат ва ўз оиласи учун фахрланиш ҳисси ўзбекона оилавий тадбиркорликнинг асосларидан ҳисобланади ва бозор иқтисодиёти шароитида бу тобора долзарб аҳамият касб этаётир.**

*2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»*

## Фаровон турмуш мезони

### қонунчилик асосида мустаҳкамланмоқда



Бугун юртимизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг етарлилиги, қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бораётганлиги ва хомашё базасининг мавжудлиги, шу билан бирга, халқимизнинг тафаккурида қадимдан шаклланган тадбиркорлик анъаналари оилавий бизнесни янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бинобарин, Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида таъкидлаганидек, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорликни бошлаётган ёки давом эттираётганларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Оила — муқаддас даргоҳ

### уни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир

**Маълумки, ҳар бир инсон ҳаётида оила муҳим ўрин тутади. Албатта, оила тинч ва мустаҳкам бўлса, унда бахтли турмуш давом этади, фарзандлар тарбияли, оқил бўлиб вояга етади. Шу боис ҳам халқимиз азалдан оилани муқаддас санаб, уни ҳар томонлама муҳофазалашга эътибор қаратиб келади.**



Истиқлол йилларида мамлакатимизда оилага бўлган эътибор янада кучайди. Энг муҳими, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Бош қонунимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш кафолатлари белгиланди. Оила кодексида оила билан боғлиқ барча муносабатлар тартибга солинди.

Бу каби чора-тадбирлар юртимизда оилалар барқарорлиги, фаровонлигига хизмат қилмоқда. Аммо ҳаётда баъзан эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги сингари ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай вазиятда эр ёки хотин судга ариза билан мурожаат қилади. Бундай даъво аризаларини кўриб чиқиш жараёнида судлар оилани сақлаб қолишга, айниқса, вояга етмаган фарзандлари бўлган эр-хотинларнинг никоҳлари бузилишининг олдини олишга ҳаракат қилади.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Islohot va samara*

## Бурч ва масъулият

### ёхуд солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жавобгарликка сабаб бўлади

**Маълумки, солиқлар давлат бюджетининг муҳим таянчи ҳисобланади. Шу боис изчил солиқ сиёсати юритиш, бу тизимни такомиллаштириб бориш мамлакат равнақига хизмат қилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, тиббиёт, маданият ва бюджет маблағлари ҳисобидан фаолият кўрсатадиган бошқа соҳалар истиқболи мамлакатда солиқ сиёсати олиб борилиши ҳамда солиқ қонунчилиги қай даражада мукаммал бўлишига ва изчил ишлашига боғлиқдир.**

Президентимиз таъкидлаганидек, бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, солиқ тизимининг жамиятда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлардаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни такомиллаштириш бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлайди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»*

# Фаровон турмуш мезони

## қонунчилик асосида мустаҳкамланмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, бугун мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган ҳар тарафлама имтиёзлар ўз самараларини бермоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши тобора кўпаймоқда ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошмоқда. Яъни 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Юртимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бундан ташқари 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 7-моддасида жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятинини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик шаклида амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилган. Бунда, эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади. Мазкур модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлиши мумкинлиги, шунингдек, деҳқон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги қарори билан тасдиқланган **«Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»**ги Низомда ҳам оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, 18 ёшгача бўлган шахсларнинг оилавий тадбиркорликда ҳамда ҳунармандчилик фаолиятида қатнашиши хусусиятлари, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш қоидалари ўз аксини топган.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида **«бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди»** деб таъкидлади. Яъни бозор иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялашга қаратилган қонунчилик базасини янги **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»**ги қонун билан тўлдиришни тақозо этади. Зеро, мазкур қонуннинг мақсади — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий бизнесни иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожлантириш учун қонунчилик асосларини яратишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оилавий бизнесни юритиш миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўлиқ мос келади. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши нафақат оилалар фаровонлигини таъминлаш, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади. Бунда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

**Соҳибжамол ЖОЛДАСОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди*

*Ayyom*

# Истиқлол шукуҳидан мунаввар йиллар





**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган беқиёс натижалар халқимиз ҳақиқатан ҳам, ана шундай буюк келажакни ўз кучи билан барпо этишга қодир эканини тасдиқламоқда.

Ўзбекистон 20 йил давомида ўз сўзида қатъий тура оладиган, айтганини қиладиган давлат эканини яққол исботлаб келмоқда. Мамлакатимиз дунёнинг 130 га яқин давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатгани бунинг далилидир. Пойтахтимизда қирқдан зиёд давлатнинг элчихонаси, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз БМТ, МДҲ, ШҲТ сингари халқаро тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли, узоқ муддатли алоқалар ўрнатган ҳамкорлари жуда кўп. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислоҳотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонларида эришаётган ғалабаларимизда ҳам намоён бўлмоқда. Бугун ўзбек болалари дунё ареналарида юрт байроғини баланд кўтармоқда. Ўзининг ақлу заковати билан олам аҳлини лол қолдирган, 24 ёшда шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийган Рустам Қосимжонов қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни, халқимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар юксаклигини дунёга яна бир бор намойиш этди. Шу йил футбол бўйича Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида ўсмирларимиз кўрсатган натижа барчамизга ғурур бахш этди.

Жаннатмонанд юртда танти, меҳнаткаш, бунёдкор халқ дориламон кунлар завқини сурмоқда. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Биргина мисол, бугунги кунда юртимиз мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўнта мамлакат қаторига киради. Агар ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 дона мобиль телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди.

Қишлоқ жойларида одамларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган улкан ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда ҳар 100 оилага ўртача 132 телевизор, 99 холодильник, 27 дан ортиқ енгил автомобиль тўғри келаётгани ҳам аҳоли даромади ва фаровонлигини ошиб бораётганидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда **«Шаҳидлар хотираси»** ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани, 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланиши халқимизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида **«Шаҳидлар хотираси»** хиёбони зиёратчилар билан янада гавжумлашади. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира туйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, ҳуррият ва озодлик неъматининг қадрини янада чуқур ҳис этади. Бугунги тинч ва осойишта кунларга, инсон қадр-қиммати улуғланадиган буюк ва муқаддас юртда яшаётганига шукроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

Бу йил 31 август куни ҳам **«Шаҳидлар хотираси»** хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра, ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Таъкидлаш ўринлики, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини халқимиз беқиёс ўзгаришлар, қўлга киритилган катта ютуқлар, мамлакатимиз қудратини дунёга танитадиган улкан яратувчанлик ишлари билан кутиб олди. Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида барпо этилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси, Тошкент аэропорти маҳаллий авиалинияларининг янги аэровокзали ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб туҳфа бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоездининг илк қатнови амалга оширилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ушбу воқеа юртимизда темир йўл тизимини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш йўлида янги босқич — янги давр бошланганидан далолатдир.

— Ушбу замонавий ва қулай поездлар қатновининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон халқининг катта ютуғидир. Ўзбекистон бу борада кўплаб мамлакатлар, жумладан, АҚШдан илгарилаб кетди. Чунки бизда бундай юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар йўқ, — **дейди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жорж Крол.** — Юртингизнинг ушбу соҳада эришаётган ютуқларини инобатга олган ҳолда АҚШда бу тармоқни ривожлантиришга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳақиқатан ҳам, темир йўл мамлакат иқтисодини ривожлантириш, масалан, сайёҳликни тараққий эттиришда истиқболли соҳалардан бири ҳисобланади. Айни пайтда юртингизга келаётган америкаликларга бу ерда йўлга қўйилган замонавий транспорт хизмати ҳақида кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида пойтахтимиз кўчаларини замонавий янги трамвайлар безади.

— Европа стандартларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур янги трамвайлар замонавий дизайни ва юқори сифати билан ном қозонган, — **дейди «Тошэлектротранс» давлат корхонаси бўлим бошлиғи Фаррух Қодиров.** — Улар замонавий электрон бошқарувга эга, электр энергиясини 30-40 фоизгача тежайди. Қолаверса, 40 даража совуқдан 70 даража иссиққача бўлган иқлим шароитида, электр тармоғида эса 400 вольтдан 900 вольтгача электр токи камайган ҳолатда ҳам бир текис ҳаракатланаверади.

Изчил амалга оширилаётган бу каби кенг қамровли ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад битта — у ҳам бўлса, мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир. Иқтисодий ўсишнинг илдам суръатларига эришилаётгани, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимиз истиқлол шукуҳидан обод, мунаввар. Бу халқимиз руҳиятида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлабгина қолмай, барчамизни янги ва янада юксак марраларга чорламоқда. Бундай эзгу орзуният эса, албатта, ижобат бўлади.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

*Qonun ko`magi*

# Тадбиркорлик — жамият тараққиётининг муҳим омили



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Масалан, якка тартибдаги тадбиркор Р. Елушиннинг Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси Олмазор тумани жамияти ходимининг хатти-ҳаракатидан юзасидан қилган мурожаати кўриб чиқилди.

Мурожаатга кўра, ушбу жамият ходими тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган "ABU — SAHI" савдо расталарида жойлашган дўконга келиб, савдода бўлган чанг ютгич ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларининг мувофиқлик сертификатини кўрсатишни талаб қилган. Адлия бошқармаси ходимларининг аралашуви билан мазкур қонунбузилиш ҳолатига чек қўйилди.

Қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси Олмазор тумани жамияти ходимига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судига чора кўриш учун юборилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан ярим йил давомида **"Ишонч телефони"**га жами 62 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди ҳамда уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси — ҳамиша эътиборда. Буни фаолияти ушбу соҳа билан боғлиқ ҳар бир идора ва ташкилот ходими чуқур англаб, жамиятимиз тараққиёти таянчи бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқдир.

**Нўъмонжон МУҲАММАДИЕВ,**
*Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари*

*Islohot va samara*

# Бурч ва масъулият

## ёхуд солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жавобгарликка сабаб бўлади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Солиқ юки енгиллаштирилиши баробарида унинг рағбатлантирувчи роли кучайтирилди. Хусусан, солиқ қонунчилиги такомиллаштирилиб, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди.

Бу каби чора-тадбирлар замонавий тармоқларни жадал ривожлантириш, иш таркибини кескин ўзгартириш эвазига ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда 2011 йилнинг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилингани ҳам тадбиркор ва ишбилармонларга иқтисодиётимизни юксалтиришга ҳисса қўшишларига кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Айтиш жоизки, тадбиркор ва тадбиркорлик фаолияти Конституциямиз ва амалдаги қатор қонунлар билан ҳимоя қилинади. Тадбиркорнинг фаолиятига ғайриқонуний аралашиш, маблағига унинг розилигисиз эгалик қилиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Президентимизнинг 2005 йил 5 апрелдаги **«Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони бу каби ноқонуний ҳолатларнинг олдини олишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш жоиз. Солиққа оид қонунларнинг аҳоли орасида оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этилаётгани, фуқароларнинг бу борада қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништирилаётгани амалда ўзининг аниқ самарасини бермоқда. Зотан, фуқароларда солиқ қонунчилиги, бюджет маблағлари жисмоний ва юридик шахслардан йиғиладиган солиқлар ва турли тўловлардан иборатлиги ҳамда у давлат молиявий тизимининг ривожланишига хизмат қилиши тўғрисидаги тасаввурнинг шаклланиши амалиётда солиқ соҳасидаги қонунчилик талабларини қасддан бажармаслик, топилган даромадни ҳисоботдан яшириш сингари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Чунки давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ўзга тарзда, жумладан, назорат касса машиналарининг фискал хотираси хизмати дастурини ноқонуний ўзгартириш йўли билан қасддан бўйин товлаш бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказади.

Бунга Ғузор туманидаги «Фахрий ветеран ҳамкор нур» ишлаб чиқариш хайрия корхонаси бошлиғи Нурбой Давлатовнинг хатти-ҳаракатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У корхона томонидан бажарилган ишлар учун тўлаб берилган пуллар ва корхонанинг иш ҳақи фондини камайтириб кўрсатиб ва асоссиз имтиёз қўллаб, жами 20.717.800 сўм солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаб, Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган. Суд ҳукмига кўра, Н.Давлатовга жарима ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунга ўхшаш, Шаҳрисабз туманидаги «531-ХМКК» МЧЖ раиси вазифасида фаолият юритган Х.Пирназаров жамиятнинг 2007 йилда бажарилган 144.305.600 сўм қийматидаги қурилиш-таъмирлаш ишларини 2007 йил учун туман солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботларида акс эттирмасдан, жами 35.209.900 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган. Бу қилмиши учун унга қонунда белгиланган тегишли жазо тайинланди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ, асосий мақсадимиз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, қилмишига яраша жазо олган шахслар номини таъкидлаш эмас, балки иқтисодий соҳада фаолият кўрсатаётган фуқароларимизни қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашдек конституциявий бурчлари ҳақида огоҳлантириш, холос.

Хулоса қилиб айтганда, солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Буни ҳар биримиз тўғри тушуниб, унга тўлиқ риоя қилсак, бу билан мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Холмамат ҲАСАНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси*

**Бу ҳаётда ҳалол меҳнат билан топилган ризқнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Айниқса, каттагина жамоа раҳбарининг ҳалоллиги умумишининг сифатига, самарадорлигига, муваффақиятларга йўл очади. Чунки унинг босган ҳар бир қадами кўпчиликнинг назарида бўлади.**

*Qilmish-qidirmish*

# Ҳалолликда

«Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди», деган нақл топиб айтилган экан. Тафтишчилар келаётганини эшитган Пахтакор тумани «Почта алоқа тармоғи» мутасаддилари ғимирлаб қолишди. Тафтишчилар алоқа тармоғида 2009 йил 1 январдан 2010 йил 1 октябрга қадар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича тафтиш ўтказишганда бу саросималик сабаблари ойдинлашди. Катта миқдорда, яъни 65 миллион 850 минг 641 сўм камомад мавжудлиги аниқланди.

Маълумки, камомад ўз-ўзидан юзага келмайди. Маблағни ўзлаштириш, талон-торож қилиш бунга сабаб бўлади. Бу қилмишнинг бошида, шубҳасиз, алоқа тармоғи бошлиғи Фахриддин Казакбоев турган. У мансабдор шахс лавозимида ишлаб туриб, алоқа тармоғи бош ҳисобчиси Фурқат Эргашев ва бош хазиначи Воҳид Тўрабоев билан ўзаро жиноий тил бириктирган. Бу кимсалар 2009 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 июнига қадар бўлган давр ичида банк муассасасидан фуқароларга тарқатиш учун олинган 56 миллион 850 минг 641 сўм нақд пул маблағини аҳолининг нафақа ва ижтимоий тўловлари учун тарқатилганлиги ҳақида сохта ёзув ва маълумотлар тайёрлаб, қалбаки ҳисоботлар тузиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган. Улар давлат ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига шу тариқа жиддий зиён етказишган.

Бошлиқ Ф.Казакбоев «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Жиззах вилояти филиали бошлиғи вазифасини бажарувчисининг 2010 йил 4 июндаги буйруғига кўра, ишдан бўшатилган. Орадан икки кун ўтиб Ф.Казакбоевнинг ўрнига Низом Исоқов тайинланган. Буни қарангки, янги раҳбарнинг ҳам табиатида қинғирликка мойиллик бор экан. Ф.Казакбоев билан шерикчилик қилиб, ҳаром луқмадан мазахўрак бўлган Ф.Эргашев билан В.Тўрабоев унинг пинжига кириб, Н.Исоқовни ҳам жиноят кўчасига бошлайди.

Бош хазиначи В.Тўрабоев Н.Исоқовга банкдан 9 миллион сўм нақд пул олиш учун чекни имзолатади. Сўнг бошлиқнинг пул маблағининг тўғри мақсадга йўналтирилишини назорат қилмаганидан фойдаланган В.Тўрабоев сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, бош ҳисобчи билан 9 миллион сўмни арра қилади.

Бу билан бошлиқ Низом Исоқовни «қўй оғзидан чўп олмаган», деб бўлмайди. Унинг катта хатоси ажратилган маблағнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилмаганидир. Бундан ташқари у бошлиқ бўлиб ишлаган салкам тўрт ой давомида бир қатор жиддий хатоликларга йўл қўйилганига нима дейсиз?

Н. Исоқов Ф.Эргашев ва В.Тўрабоев билан тил бириктириб 2010 йил август-сентябрь ойларида нафақа ва ижтимоий тўловлар учун тарқатилиши лозим бўлган пул маблағларини рақамсиз тўлов қайдномалари орқали ўз ходимларига ойлик иш ҳақи, рағбатлантириш пули мақсадида тарқатиб юборган. Бироқ ана шундай қонунга хилоф иш юритиш туфайли фуқароларга берилиши керак бўлган нафақа пулларидан 11 миллион 265 минг 504 сўми алоқа тармоғи ходимларига «инъом» қилинган.

*Bag`rikenglik tamoyillari*

# Ярашув институти — эзгулик риштаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, жиноят қонунчилигига ярашув институтининг киритилиши жиноий ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлди. Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, республикада судланганлик ҳолатининг камайишига, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланилишига имкон яратди.

Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

***— Шу ўринда ярашув институтининг қонуний асосларига тўхталиб ўтсангиз.***

— 2001 йил 29 августда **“Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**-ги қонуннинг қабул қилингани улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Мазкур қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий этилди.

Ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин бўлган жиноят таркиблари Жиноят кодексининг $66^{1}$-моддасида тугал келтирилган бўлиб, унинг доираси кенгайтириб талқин этилиши мумкин эмас. Унга кўра, ушбу моддада назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган. Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Жабрланувчиларнинг ҳатто бирортасидан тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

Ярашганлик асосида жавобгарликдан озод қилиш - зарарни қоплаш ва жабрланувчи томонидан айбланувчини кечириш (ярашиш) асосида амалга оширилади.

***— Маълумки, ярашув институтини қўллашга оид қонунчилик доираси кенгайтирилди. Шу тўғрисида фикрларингизни билдирсангиз.***

— Дастлаб Жиноят кодексининг $66^{1}$-моддасида биринчи марта жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган бўлса, кейинчалик қонунни қўллаш доираси анча кенгайтирилди.

Жумладан, 2004 йил 27 августда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ ярашув институтига янгиликлар киритилди. Бунгача ярашув 26 турдаги жиноятга нисбатан қўлланилган бўлса, янги қонун асосида яна тўртта модда ушбу тоифага киритилди. Мазкур қонун қабул қилингунга қадар ярашув муқаддам судланган, судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган шахсларга нисбатан жорий этилиши мумкин эмасди. Қонундаги бу чеклашлар ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда анча муаммо ва эътирозларга сабаб бўлаётганди. Қонун асосида бу чеклашларга барҳам берилди. Фақат оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларгина ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Судланганлик ҳолати тугаган, белгиланган тартибда олиб ташланган ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, судланганлик ҳолати тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахслар ҳам ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

2005 йил 31 декабрда қабул қилинган қонун асосида ярашувга оид ишлар доираси биттага кенгайтирилган бўлса, 2009 йил йил 3 апрелда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”**ги қонун асосида яна ўн битта жиноят таркиби бўйича ярашув институти қўлланилиши муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкинлиги қонунан мустаҳкамланди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Ярашув институти доирасининг бу каби кенгайиб боришининг сабаби, албатта, унинг жиноят ишларини тезкорлик билан ҳал қилишдаги самарадорлиги билан боғлиқ. Зеро, бу институт — жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш принципларидан кўпроқ қўлланилишига имкон яратди.

***— Ярашув институтини қўллашга оид суд амалиёти ҳақида тўхталсангиз.***

— Судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш ҳоллари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргина 2001 йилда ярашув тамойили 1,1 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб, 15,7 минг нафарни ташкил этган. 2011 йилнинг биринчи ярмида 7,3 минг нафардан ортиқ шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Ярашув институти амалиётга татбиқ этилаётганидан буён эса 117 минг нафардан ортиқ фуқаро бу инсонпарварликдан баҳраманд бўлди. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ ярашув институтининг нечоғлик самарали эканлигидан дарак деради.

Таъкидлаш керакки, суд амалиётида аксарият ҳолларда дастлабки тергов органи томонидан шахснинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилингани туфайли улар ярашув институтига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинмоқда. Масалан, дастлабки тергов органи томонидан фуқаро С. Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумонланган. Суднинг ажримига кўра, у ўзининг автомашинасида йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, фуқаро О. нинг баданига ўртача шикаст етказган.

Қайд этилган жиноят ишида Жиноят процессуал кодексининг 585-моддасида белгиланган ярашувга монелик қилмайдиган барча ҳолатлар мавжуд. Суд тарафларнинг ихтиёрий ярашганлиги, жабрланувчига нисбатан етказилган зарар қопланганлиги муносабати билан С.ни жавобгарликдан озод қилган.

Айтиш жоизки, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши лозим. Аризада етказилган зарар бартараф этилгани, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт. Бундай ариза суд муҳокамаси ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришиши лозим. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилгандагина, ярашув тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мумкин.

Ярашув — шахснинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратаётир. Шу боис ярашув институтининг жорий этилиши одамлар, айниқса, яқин кишилар, қўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликни муроса-ю мадора йўли билан ҳал этишда муҳим восита бўлаётир. Бу эса қонунларимиздаги одиллик ва инсонварпарлик тамойиллари устуворлиги тобора кўпроқ намоён бўлаётганининг яққол далилидир.

Зотан, бири иккинчисини билиб-билмай хафа қилган, қўл кўтарган кишилар аксарият ҳолларда эртасига бу ишидан пушаймон бўлади. Айни шундай шароитда ярашув институти фуқаролар жонига оро киради.

Масалан, икки овсин болалари устида жанжаллашиб қолган. Улардан бири жаҳл устида иккинчисига тан жароҳати етказган. Бир қарашда — оддий оилавий можаро, аммо қонун нуқтаи назаридан — жиноят. Аммо яқин қариндошларнинг судлашуви ёки кимнингдир қамалиши оила муҳитига, фарзандлар маънавиятига салбий таъсир ўтказиши турган гап. Шу боис улар бир-бирини кечириб, тезда ярашиб олишди. Бу жараён қонуний асосда якунига етказилди.

Яна бир ҳолатда эр-хотиннинг уруши эркакнинг қўлига эрк бериши, аёлнинг ғазаб устида судга мурожаат қилишига етиб келди. Бир фарзанди бўлган бу ёш оиланинг тақдири арзимаган тортишув сабаб жар ёқасига келиб қолган. Иш шу тахлит давом этиб, оила бошлиғи жазога тортилса, аёл бева, фарзанд тирик етим бўлиб қолиши турган гап эди. Бу, аввало, уларнинг ўзларига, қолаверса, жамиятга қанчалик зарар келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Ярашув имконияти мазкур оилани асраб қолди.

Суд-ҳуқуқ тизими асосан жазолашга қаратилган собиқ шўро замонида бундай жанжаллар аксинча якун топгани сир эмас. Минглаб, миллионлаб фуқаролар ана шундай арзимаган сабаблар билан қамоққа тушган ва бундан нафақат айбдор, балки унинг оила аъзолари ҳам жабр чеккан.

Мамлакатимизда ярашув институти жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини бераётир. Қолаверса, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган бу самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва бу билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштиришга йўл очмоқда.

Айтиш керакки, либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришга ўз ижобий таъсирини кўрсатаётир. У жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳини мустаҳкамлади. Бундан ташқари минглаб одамлар тақдирида ижобий мазмун касб этди. Уларга жамиятдан, оиладан ажралмаган ҳолда тузалишга, ахлоқан покланишга имкон берди.

Эътиборлиси, мамлакатимизда бундан ўн йил муқаддам қонунчиликда акс эттирилган, амалда юксак самарасини берган ярашув институтини Ўзбекистондан кейин бошқа давлатлар ҳам қўллай бошлади. Мисол учун ярашув институтининг инсон ҳуқуқларини ҳимоялашдаги адолатли тамойиллари Ўзбекистондан кейин Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам акс эттирилди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик каби демократик қадриятлар истиқлол шарофати ила қонунларимизда акс эттирилгани фуқароларимизни фақат эзгуликка бошламоқда. Энг муҳими, бу эзгулик ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини барқарорлаштириб, мамлакатимиз тараққиётининг пойдеворини мустаҳкамламоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА** суҳбатлашди.

---

**Бу ҳаётда инсонни фақат хушхулқлик, одоб-ахлоқ каби фазилатлар улуғлайди. Бошқача айтганда, киши ҳалол, тўғрисўз бўлса, эл ичида обрў-эътибор топади. Аксинча, ёлғон гапиришни одат қилган кимсага охир-оқибат одамлар ишонмай қўяди.**

*Saboq*

# Ёлғон хабар бериш

## қандай ҳуқуқий оқибатга олиб келади?



Ёлғончи кимса ён-атрофидагиларни алдаш билан чекланиб қолмай, баъзан ҳуқуқий идораларни ҳам чалғитишга уринади. Ёзма ёки оғзаки равишда бирорбир воқеа ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, сохта хабар бериш эса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу жиноят турининг ўзига хос хусусияти унинг қасддан содир этилиши билан изоҳланади. Яъни ёлғон хабар берган шахс ўзи маълум қилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билсагина, айбдор деб топилади. Агар у хабар қилинган ахборотни баҳолашда ҳақиқатан ҳам, адашган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Хива тумани судида Р.Сапаевга оид жиноят иши кўриб чиқилди. Аввало шуни айтиш керакки, Р.Сапаев илгари ҳам фуқаро М.Жуманиёзовга туҳмат қилганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишлича жазо олган.

Буни қарангки, шундан сўнг ҳам Р.Сапаевнинг кўзи очилмаган экан. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек, Р.Сапаевнинг яна эски касали хуруж қилиб қолади. Гап шундаки, у 2010 йил октябрь ойининг охирларида маҳаллада гап тарқатади. Унинг айтишича, маҳалладоши М.Матёқубов ўз дўконида К.Сатликов, О.Сатликов, Д.Болтаев ва бир неча нафар вояга етмаган болалар билан «гашиш» гиёҳвандлик воситасини чекишган. Бундан ташқари М.Матёқубов кўп йиллардан буён гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси билан шуғулланиб келаётган эмиш. Устига-устак, бу «миш-миш»лар билан ҳам қаноатланмаган Р.Сапаев 2010 йил 20 октябрь куни Хива тумани ИИБ бошлиғи номига ёзма равишда ариза билан мурожаат этиб, М.Матёқубовнинг дўконида маҳалладошларига гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилишлари учун шароит яратиб бераётгани ва доимий равишда гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб келаётганлигини маълум қилган.

Текширувлар натижасида Р.Сапаевнинг айтганлари қуруқ туҳмат эканлиги, у била туриб ёлғон маълумотлар тарқатгани, ҳуқуқий идорага ҳам ёлғон хабар бергани ошкор бўлди. Жиноят кодексининг 139-моддаси 3-қисми «а», «в», «г» бандлари, 237-моддаси 2-қисми «б» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган Р.Сапаевга тегишли тартибда жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бировга туҳмат қилиш, нотўғри, сохта маълумот тарқатиш, бир сўз билан айтганда, ёлғончилик нафақат эл-юрт олдида обрўни тўкади, айни пайтда қонуний жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради. Шундай экан, ҳар биримиз бу дунёда инсонийликни унутмаган ҳолда, ростгўйлик, лафзлиликни умр мезони билиб яшайлик.

**Раъно КАМОЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Хива тумани судининг раиси*

---

*Muloqot*

## Газетхон савол беради...

***— Яқинда қўшнимизнинг ўғли ҳуқуқбузарларга шерикликда айбланиб қолди. Кейинчалик маълум бўлишича, ҳуқуқбузарлар вояга етмаган боланинг соддалигидан фойдаланган экан. Айтинг-чи, қонунда вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этган шахсларга ушбу қилмиши учун жавобгарлик белгиланганми?***

***Х.САЛИМОВА,*** ***Сергели тумани***

— Ҳа, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $188^{1}$-*моддасига асосан, вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

***— Айтинг-чи, транспорт воситасини бошқариш чоғида уяли телефондан фойдаланиш қонунга зидми?***

***П.ТЎРАЕВ,*** ***Янгийўл тумани***

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $128^{1}$-моддасига кўра, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланганлиги маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради ва энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

**Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

---

*Maslahat*

# Ҳадя шартномаси

## у қандай ҳолларда бекор қилинади?



Фуқаролик кодексининг 507-моддасида асосан, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атай жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда, ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадянинг бекор этилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд якка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин.

Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин.

Ҳадя бекор қилинган тақдирда ҳадя олувчи ҳадя қилинган ашёни, агар у ҳадя бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтариши лозим.

**Таваккал ҲАМРОЕВ,**
*Учқудуқ тумани давлат нотариал идораси нотариуси*

---

# ҳикмат кўп

## қинғирлик эса юзни шувут қилади



Мамлакатимизда пенсионерлар, вояга етмаганлар, умуман, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига тўланадиган нафақа тўловлари ўз вақтида етказиб берилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Н.Исоқов эса касб мажбурияти ҳамда масъулиятини унутган. Нафақа ва ижтимоий тўловлар учун тўланиши лозим бўлган 21 миллион сўм пул маблағини аҳолининг фойдаланилган коммунал тўловлари кунлик тушуми сифатида электр ва газ корхоналари ҳисоб рақамига мақсадсиз ўтказиб юборилган.

Дастлабки тергов чоғида нафс қутқусига учган бу кимсаларнинг кўзлари муқаррар жазо олдида мошдек очилди. Улар томонидан етказилган зарарнинг 73,1 фоизи қопланди. Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **«Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қарорининг 12-бандида **«...жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб ҳисобланиши»**, 15-бандида эса **«...судлар зарар қопланишига имкон берадиган барча ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши шарт»**лиги кўрсатилган.

Суд ҳайъати мазкур Пленум қарори талабларига асосланиб, етказилган зарарнинг асосий қисми қопланганлигини инобатга олди. Судланувчилар Ф.Казакбоев, Ф.Эргашев ва В.Тўрабоевга тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли жазога алмаштириб, етказилган моддий зарарнинг қопланмаган қисми ундирилишини тўлиқ таъминлаш мақсадида синов муддати белгилади. Судланувчи Н.Исоқовга асосий жазо тариқасида ойлик иш ҳақидан ҳар ойда 25 фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Суд судланувчилар — Ф.Казакбоев, Н.Исоқов, Ф.Эргашев ва В.Тўрабоевга Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Ҳалолликни унутиш, мансабни суиистеъмол қилиш, давлат ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зиён етказиш шу тариқа якун топди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзгалар ҳақига кўз тикишдан сақланган одам тинч, хотиржам яшайди. Нафақат қўни-қўшни, маҳалла-куй олдида, балки оила аъзолари, фарзандлари ҳузурида ҳам ёруғ юз билан кун кечиради.

**Раҳматулла ОРЗИҚУЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Пахтакор тумани судининг раиси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

---

*Huquqiy ma`rifat*

# Васиятнома

## у қандай тасдиқланади?

**Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки ана шу мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилади, яъни унинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.**

Васиятнома матни васият қилувчи томонидан ёзилиб, нотариусга шахсан тақдим этилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилади. У васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши, фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилиши керак.

Ҳаётда жисмоний нуқсони, касаллиги ёки бошқа сабаблар туфайли васиятномани ўз қўли билан ёзолмайдиган васият қилувчилар ҳам учраши мумкин. Бундай чоғда васият қилувчининг илтимосига биноан нотариус ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабабларини кўрсатган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Бу ҳолатда нотариус Фуқаролик кодексининг 1128-моддасига асосан васият қилувчининг ўрнига имзо қўйган фуқарога мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслигини тушунтиради. Ўз навбатида, бу ҳақда васиятнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этилади.

Васият қилувчининг илтимосига кўра, васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этишлари мумкин. Бундай ҳолда, албатта, васиятноманинг ҳар икки нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Hikmat*

### ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

*Ўзини ёмон ишлардан сақлай олмаган кишига илм фойда бермайди.*

* * *

*Банданинг вужудида покиза тутилиши лозим бўлган энг муҳим аъзо тилдир.*

* * *

*Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин.*

* * *

*Яшаш — ҳаракат қилмоқ демакдир.*

* * *

*Инсон қанчалик кўп билса, у шу қадар кучли.*

* * *

*Илм поёнсиз уммон, толиблар ғаввос улар дур-инжуларни териб адо қилолмаслар.*

* * *

*Сен енгилмас, қадрли, обрўли инсон бўлишни истасанг, дўст топ, дўстликни мустаҳкамла.*

* * *

*Гўзал хулқ — бировга азият етказмаслик, ғазабни сўндириш, ўзни хотиржам тутиш ва ширинсуханликдандир.*

* * *

*Ҳар соҳанинг, ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Тайёр, текин нарса йўқ.*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Оила — муқаддас даргоҳ

## уни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу борада Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинганки, унда судларга оилани мустаҳкамлаш, эр-хотинлар ва фарзандларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири, деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш мажбурияти юклатилган.

Дарҳақиқат, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ. Чунки оиланинг бузилиши нафақат эр ва хотин, балки болаларнинг ҳам ҳаётига таъсир кўрсатади. Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра, ишнинг кўришни бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашишлари учун маълум муддат белгилашга ҳақли.

Суд яраштириш учун берилган муддатда, эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолатларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар қўмиталарига, маҳалла кенгашларига ва ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда айнан мана шу тамойилларга асосланган ҳолда, Тошкент вилояти, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, даъвогар Наргис Норбоева Анвар Эркабоевга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд томонидан чиқарилган ажримга асосан тарафларга ярашиб олиши учун муҳлат берилган. Ажрим нусхаси тарафларни яраштириш чораларини кўриш учун уларнинг яшаш жойларидаги маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар қўмиталари раисларига юборилган ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида тарафлар ярашиб, бирга яшаб кетган. Шундан сўнг даъвогар Н.Норбоева судга ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи билан ярашганини, ҳозирги кунда бирга яшаётганликларини қайд этиб, даъво аризасидан воз кечишини ва судда иш юритишни тугатишни сўради. Суднинг ажрими билан даъвогар арз қилган талабларидан воз кечганлиги сабабли, фуқаролик ишини юритиш тугатилди.

Қайд этиш керакки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўйилаётган асосларни, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини ҳар томонлама текширишга мажбур.

Олий суд Пленуми қарорининг талабларига асосан оиладаги вақтинчалик келишмовчилик, тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий асосларга эга бўлмаган сабабларга кўра, эр-хотиндан бирининг ёки икковларининг никоҳ муносабатини давом эттиришини хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди.

Масалан, даъвогар Бахтиёр Зоитов жавобгар Дилноза Зоитовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд, тарафлар 2008 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликларини, ўртада 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, тарафлар оиласи ҳали ёш оила эканлигини, жавобгар оиласини сақлаб қолмоқчи эканлигини эътиборга олиб, 2011 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан мазкур даъво аризани ҳақли равишда рад қилган.

Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлса, қоида бўйича улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ажратилади. Бундай ҳолатда суд иш юритишни тугатиб, тарафларга ФҲДЁ идорасига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Шунингдек, Оила кодексининг 39-моддасига биноан, эр хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида, хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас. Боланинг отаси деб қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотиннинг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юргизишни тугатади. Хотин судда иш қўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишга розилик бериб, ишни кўришда унга қаршилик билдирса ҳам иш юргизишни тугатиш лозим бўлади. Бироқ кўрсатилган ҳолатлар хотиннинг ўзи никоҳдан ажратиш масаласини қўйишига тўсқинлик қилмайди. Жумладан, даъвогар Умид Раҳимов жавобгар Зилола Раҳимовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд мажлисида жавобгар З.Раҳимова 2009 йилнинг октябрь ойида даъвогар билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, эри билан унинг ўртасига қайнонаси аралашгани учун турмушлари келишмай қолганлигини, у билан бирга 5 ойдан бери яшамаётганлигини, ҳозирда даъвогардан 8 ойлик ҳомиласи борлигини, никоҳдан ажралишга норозилигини кўрсатиб, судга тиббий маълумотномани тақдим қилганлиги сабабли, суднинг ажрими билан иш юритиш тугатилди.

Дарҳақиқат, оила — муқаддас маскандир. Унда эртанги кунимиз – келажак эгалари вояга етишини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳақиқат янада теранлашади.

Қувонарлиси шундаки, истиқлол йилларида мамлакатимизда оиланинг жамиятдаги нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилди. Шу маънода судларда оилавий низоларнинг қонун доирасида кўриб чиқилаётгани ҳам оила мустаҳкамлигига хизмат қилмоқда.

**Абдураҳмон САФОЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси*

*G'aroyib olam*

*1963 йилнинг 8 августида Буюк Британиянинг «Глазго-Лондон» йўналишида ҳаракатланаётган поездда содир этилган ўғирлик — «XX асрнинг энг катта талончилиги» сифатида қайд этилган.*

# Жазосиз қолмаган жиноят



Ўшанда жиноятчилар поезднинг махсус вагонидаги 2,6 миллион фунт-стерлинг (100 миллион АҚШ доллари)ни ўмариб кетишган эди. Ушбу иш бўйича бошланган суд жараёни эса қарийб 40 йил давом этди. Ўмарилган маблағнинг борйўғи 343 минг фунт-стерлинги қайтарилган...

Хўш, аслида нима бўлган эди?

...Брюс Рейнольдс деган шахс антиквар буюмлар йиғишга қизиқарди. Аммо унинг чўнтагида ҳемири ҳам йўқ эди. Антиквар йиғиш катта маблағ талаб қилиши барчага аён. Хуллас, Брюснинг фикри-зикри катта бойликни қўлга киритиш ва энг машҳур антикварлар коллекциясига эга бўлиш билан банд бўлиб қолди. Шу мақсадда Брюс бир неча марта заргарлик дўконларига ўғирликка тушди-ю, аммо ҳар гал қўлга тушиб қолаверди. Қизиғи шундаки, Брюс ҳибсдан айби «исботланмай» қутулиб кетарди.

1961 йилнинг декабрида заргарлик дўконига ўғирликка тушган Брюс яна ҳибсга олинади. Бу гал тергов олти ойга чўзилди. Брюс қамоқхонада банк хизматчиси Жем Гриффитс билан танишиб қолди. Жем табиатан сўзамол инсон эди. Бундан фойдаланган Брюс зимдан Лондон банкларининг иш фаолиятини миридан-сиригача ўрганиб олди. Ана шундай «сирлашув»лар чоғида Брюс ҳар ойда бир марта «Глазго-Лондон» йўналишида қатновчи почта поездига тиркаладиган қўшимча вагон ҳақида хабар топади. Жемнинг айтишича, ҳар ойда бир марта Шотландия банкларидан йиғиб олинган майда пуллар, яъни беш фунт-стерлинггача бўлган купюралар йўқ қилиш учун Лондонга жўнатилар экан...

Яна айби «исботланмай» озодликка чиққан Брюс Рейнольдс энди «Глазго-Лондон» йўналишида ҳар ҳафтада бир марта қатнайдиган почта поездини кузатишга киришди. Бунинг учун у роппа-роса бир йил вақт сарфлади. Кекса Жем ёлғон гапирмаган экан. Чиндан ҳам, ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида почта поездига битта ошиқча вагон тиркалар экан. Брюс яна шуни сездики, ушбу махсус вагонни қуролли соқчилар эмас, балки оддий банк хизматчилари қўриқлаб бораркан.

Б.Рейнольдс ўзига ҳамтовоқлар тўплай бошлади. Энг аввало, у адвокат Брайан Фильд ёрдамида Чеддингтон қишлоғи яқинидаги эски фермани ижарага олди. Сўнг шу фермага турли баҳона-ю сабаблар билан танишган жиноятчиларни тўплади. Сиртдан қараганда, улар худди фермада деҳқончилик билан шуғулланаётгандек кўринарди. Аслида эса, улар эринмасдан поездни тунаш режасини ишлаб чиқишган эди. Режа шу қадар пухта тузилган эдики, ҳар бир сония ҳисобга олиниб, вазифалар аниқ белгилаб олинганди. Ҳатто режа амалга ошганидан сўнг жиноятчиларни Лезерслейд фермасидан олиб, жанубий Францияга етказиб қўядиган хусусий самолёт ҳам тайёр эди.

Шундай қилиб, 1963 йилнинг 8 август куни соат 3 дан 3 дақиқа ўтганда махсус вагон тиркалган почта поезди Глазго шаҳридан Лондонга қараб йўлга тушади. Келишувга биноан поезд станцияга яқинлашганда Чарльз Вильсон поезд йўлидаги яшил чироғи ёниб турган семафорни қора чарм қоп билан бекитиб, темир йўлчиларнинг махсус фонари ёрдамида йўл ёпиқлигига ишора беради. Поезд секинлашгач, жиноий гуруҳнинг темирйўлчилар либосини кийиб олган яна бир аъзоси Жон Дэли чироқ орқали қаерга тўхташ кераклини кўрсатади. Ҳеч бир нарсадан шубҳаланмаган машинист поездни тўхтатади. Бу пайтда аввалдан тайёрланган юк машинасида пойгачи Рой Жеймс кутиб турарди. Вазиятдан фойдаланган Брюс Рейнольдс ниқобланган шериклари билан ҳайдовчини қўлга олади ва орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас... 124 қопдаги купюралар Жеймснинг юк машинасидан жой олади.

Аммо ўғирлик орадан ярим соат ўтар-ўтмас маълум бўлди. Жиноят ишини очишга машҳур Скотланд-ярд изқувари Жеральд Мак Артур бошлиқ махсус гуруҳ жалб этилди. Воқеа жойига етиб келган Жеральд Мак Артур ходимларига топшириқ бериб, ўзи радио орқали маҳаллий аҳолига ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Жеральднинг радиомурожаатини Лезерслейд фермасидагилар ҳам эшитгач, талвасага тушиб қолишди. Чунки бу хабар уларнинг жанубий Франция томон учиш режасини барбод қилган эди. Энди талончиларни қандай бўлмасин Лондонга етиб олиш мақсади безовта қиларди. Аксига олиб, барча йўллар Скотланд-ярд ходимлари томонидан ёпиб қўйилган, ҳар бир автомобиль жиддий текширувдан ўтказилаётган эди. Ана шунда уларга Чарльз Вильсоннинг таниши Карин Фильд ёрдамга келди.

Буни қарангки, бу мафтункор аёл бошқараётган кичик юк машинаси ҳеч кимда шубҳа уйғотмади. Машинани тўхтатган полициячилар ҳам Кариннинг табассумига маҳлиё бўлиб, текширмасдан ўтказиб юбораверишди. Шу тариқа талончилар Лондон шаҳрига етиб олишди...

Бу вақтда изқувар Жеральднинг фиғони фалакка чиқарди. Чунки бир неча кунлик қидирувлар ҳеч қандай натижа бермаётганди. Ана шундай кунларнинг бирида кимдир полицияга қўнғироқ қилиб, «Жиноятчиларни топмоқчи бўлсанглар, Лезерслейд фермасини текширинглар», дейди. Аммо Жеральд бу ташландиқ фермадан ҳам қўлга илинарли далил тополмайди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган Жеральд ноилож ортга қайтишга қарор қилади. Кутилмаганда шу яқин атрофда эчки боқиб юрган болакай изқуварга ёрдам бериб юборади. Унинг айтишича, бу фермада жуда сахий одамлар яшашаркан. Чунки улар болакайга ҳар бир кўза сут учун 5 фунт-стерлингдан тўлашган экан. Ваҳоланки, ўша пайтда 5 фунт-стерлингга бир кўза сут эмас, балки эчкининг ўзини сотиб олиш мумкин эди.

Болакайнинг сўзларидан кейин Жерald яна фермага қайтади ва синчковлик билан қайта ўтказилган текширув натижасида ўйин столидан жиноятчиларнинг бармоқ излари топилади. Қолгани жуда осон кўчади. Чунки гуруҳ аъзоларининг барчаси илгари бир неча мартадан судлангани боис уларнинг бармоқ излари Скотланд-ярдда сақланарди.

Изқувар бармоқ излари орқали барча жиноятчиларнинг шахсини аниқлайди ва уларнинг изидан тушади. Шундай қилиб, орадан уч кун ўтмасдан Гордон Гуди шаҳар ташқарисидаги меҳмонхонада, Жон Дэли шифохонада қўлга тушади. Гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам кетма-кет қўлга олинади. Чунки улардан бири жуда қимматбаҳо машина сотиб олгани, бошқаси пойгага катта пул тиккани сабабли кўзга ташланиб қолган эди. Энг охирида гуруҳ ташкилотчиларидан бири, Брюс Рейнольдснинг ўнг қўли ҳисобланувчи Рональд Биггс ҳибсга олинади.

1964 йилнинг 20 январида Англиянинг Эйлсбери шаҳрида суд жараёни бошланади. Ниҳоят 86 кун давом этган суд Чарльз Вильсон, Рой Жеймс, Брайан Фильд, Томас Весбей, Жеймс Хаммей ва Рональд Биггсга 30 йилдан, гуруҳнинг қолган аъзоларига ҳам қонун талаби асосида қамоқ жазоси белгилайди.

Агар ҳаммаси шу тариқа якун топганида балки бу суд жараёни кўпчиликнинг эътиборига тушмасди. Афсуски, бундай бўлмади. 1964 йилнинг 13 августида Чарльз Вильсон, орадан бир неча кун ўтгач, Рональд Биггс турмадан қочиб кетди. Тезкор қидирув натижасида Чарльз Вильсон яна қўлга тушди. Лекин бу орада Рональд Биггс аллақачон Англияни тарк этиб улгурган эди. Узоқ қидирувлар натижасида изқувар Жеральд Мак Артур унинг Австралияда эканлигини аниқлади. Лекин қўлга олишга улгурмайди: ўзининг изидан тушишганини сезган Биггс энди Бразилияга йўл олган эди.

Биггс бу гал айёрлик қилди. Бразилияга келган заҳоти маҳаллий қизга уйланди. Орадан бир йил ўтиб, фарзандли бўлди. Бу эса унга Бразилияда доимий яшаб қолиш ҳуқуқини берарди. Қолаверса, ўша пайтда Бразилияда амалда бўлган қонунга кўра, Биггс ушбу давлат фуқаросининг отаси сифатида давлат ҳимоясига олинди ва ўз ватанига экстрадиция қилинишдан ҳам қутулиб қолди...

Орадан роппа-роса 40 йил ўтиб 70 ёшдан ошган Рональд Биггс ўз ватани Англияга қайтиш ниятини билдирди. Англиялик мухбирларнинг «Пуллар қаерда?!» — деган саволига Биггс «менда эмас», — дейиш билан чекланди. Хуллас, Хитроу аэропортига қўнган Биггс шу заҳоти қўлга олинди. Суд уни 28 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Шу тариқа 40 йил аввал очилган жиноят иши ёпилди.

**Интернет материаллари асосида Сардорбек ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

*Huquqiy ma'rifat*

# Васиятнома

## у қандай тасдиқланади?

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, махфий васиятнома ҳам тузилиши мумкин. Махфий васиятноманинг мазмуни нотариус томонидан текшириб чиқилмасдан тасдиқланади.

Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, елимланади. Шундан сўнг гувоҳлар ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ва доимий рўйхатга олинган манзилини кўрсатган ҳолда, хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва у ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқловчи ёзувни ёзиб қўяди.

Махфий васиятнома реестрда қайд этилиб, алифбо китобига киритилади. У васиятномалар турадиган йиғмажилдда сақланади.

Васият қилувчининг васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги аризаси нотариус томонидан нотариал шаҳодатлантирилиши керак. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида нотариусга ариза тушган тақдирда у васиятноманинг ўзида сақланаётган нусхасига, реестрга ва алифбо китобига бу ҳақда ёзув киритади. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ариза нотариал идорада юритиладиган битимларни бекор қилиш тўғрисидаги алоҳида йиғмажилдда сақланади.

Васият қилувчи исталган вақтда васиятномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида хоҳлаган нотариал идорага мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолда нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги аризани «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 73-моддасига амал қилган ҳолда васиятнома тасдиқланган ёки у сақланаётган нотариал идорага топширади.

Ушбу қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятноманинг биттадан нусхаси васият қилувчи доимий рўйхатга олинган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборилиши шарт. Давлат нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб кўриши ва унинг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини аниқлаган тақдирда, бу ҳақда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши лозим.

**Баҳодир БЕРДИЁРОВ,**
*ҳуқуқшунос*

**Бу ҳаётда эзгуликни умр мазмуни деб билган киши ҳеч қачон виждонига қарши иш тутмайди. Бундай юксак маънавиятли инсон ўзининг қадр-қимматини қанчалик баланд тутса, бошқаларни ҳам ўзидан кам кўрмайди, ўзининг ҳуқуқини қанчалар яхши билса, бошқаларнинг манфаатини ҳам шунчалик ҳурмат қилади.**

*Jinoyat va jazo*




Афсуски, ҳаётда оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай нусхалар қандай бўлмасин, ўзининг чўнтагини тўлдириш, ишини битириш пайида бўлади, қолганини парвойига ҳам келтирмайди. Агар шундай бўлмаса, бир кимса «диплом тўғрилаб бераман», деб ёлғонни сувдай ичмас, бошқалар эса, унинг тегирмонига сув қуймас эди.

Гап шундаки, университетда ўқитувчи бўлиб ишловчи Алибек Эсонбоев (исм-фамилиялар шартли) М.Сиддиқов ва Н.Ғаффорова билан ўзаро тил бириктириб, тегишли маблағ эвазига диплом «тайёрлаб» беришни режалаштиради. «Режа»га кўра, М.Сиддиқов ва Н.Ғаффорова «мижоз» топиши, А.Эсонбоев эса «ҳужжат»ни тўғрилаши лозим эди. Шу мақсадда Н.Ғаффорова Наманган шаҳридаги 23-мактабга боради ва у ерда А.Салимова билан учрашади.

Бу пайтда Наманган давлат университетига имтиҳон топшириб, синовлардан ўтолмаган А.Салимова хомуш бўлиб юрган эди. Вазиятдан фойдаланган Н.Ғаффорова секин гап бошлаб, «Олий маълумот олмоқчи бўлсангиз, бунинг йўли бор, махсус сиртқи факультетга жойлаб қўядиган киши билан таништираман», дея қармоқ ташлайди. Буни қарангки, билими чуқур бўлмагани учун тест синовларида етарли балл тўплай олмаган А.Салимова имтиҳонларга жиддийроқ тайёрланиш ўрнига, унинг гапига кўнади, яъни қонунга зид йўлни танлайди.

Н.Ғаффорова эса орадан бир неча кун ўтганидан сўнг яна мактабга келиб, Асилага: «Андижон давлат университетидаги танишим билан гаплашдим, рози бўлди», дейди ва ундан «хизмат ҳақи» учун 460 минг сўм ундиради. Икки кундан кейин у А.Салимованинг Андижон давлат университети 4-курс «талаба»си эканлиги ҳақидаги сохта маълумотнома ва шартнома пули тўланганлиги тўғрисидаги сохта тўлов қоғозини келтириб беради.

Ниҳоят, 2010 йилнинг сентябр ойида А.Салимова ўзининг Андижон давлат университетини «тугатганлиги» ҳақидаги дипломни М.Сиддиқовадан олади. Темирни қизиғида босишга уринган сохта ўқитувчи бу «ҳужжат»ни тезда мактаб маъмуриятига ҳам топшириб улгуради.

Бу пайтда чўнтагига пул кирган ҳамтовоқлар М. Сиддиқова, А.Эсонбоев ва Н.Ғаффорова эса ўз кирдикорларини яна давом эттиришаётганди. Шу ниятда Т.Эркиновадан 860 минг, У.Турдиохуновадан 460 минг сўм олган М.Сиддиқова шериклари ёрдамида уларга ҳам диплом «тайёрлаб» беради.

Энг қизиғи, сохта дипломни осонгина қўлга киритган Т.Эркинова билан У.Турдиохунова ҳам ҳеч иккиланмасдан мактаб маъмуриятига ўзларини ўқитувчи сифатида таништиради.

Албатта, фирибгарларнинг қилмишлари узоқ вақт яширин қолмади. Суриштирув ишлари натижасида М.Сиддиқова, Н.Ғаффорова, А.Салимова, Т.Эркинова, У.Турдиохунова, А.Эсонбоевнинг кирдикорликлари фош этилди ва жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан айбланувчиларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Дарҳақиқат, бу ҳаётда қилинган ҳар бир яхшилик изсиз кетмаганидек, қинғирликнинг ҳам, албатта, сўроғи бор. Шу маънода сохта ҳужжат тайёрлаш орқали ўз чўнтагини қаппайтириш сингари ноқонуний хатти-ҳаракатларга қўл урган кимсаларнинг боши деворга тегиши аниқ эди. Ва шундай бўлди ҳам — фирибгарлар айбига яраша жазо олишди. Масаланинг янада муҳимроқ жиҳати эса, сохта ҳужжат билан ўқитувчиликдай касбнинг танланишидир. Зотан, ўқитувчи ёшларга тўғрилик, ҳалоллик, адолат ва ҳақиқатнинг доимо устувор эканлиги ҳақида сабоқ бериши лозим. Аммо дарс бераётган кимсанинг ўзи учун бундай сифатлар бегона бўлса-чи?

Ҳа, ҳалоллик, тўғрилик сингари фазилатлар инсонийликнинг энг муҳим мезони саналади. Бу ҳақиқатни ҳаётий тажрибалар ҳам тасдиқлайди. Яъни ҳалол яшаган, виждонига хилоф иш қилмаган кишилар обрў-эътибор қозониши шубҳасиздир. Аксинча, қилмишлари юқорида баён этилган кимсаларга ўхшаган нафс бандалари эса алал-оқибат юзшувут бўлиб қолган. Шундай экан, ҳар бир ишда қонунга, тўғриликка риоя этсак, ҳеч қачон адашмаймиз.

**Мансур ИБРАГИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**Бош муҳаррир:**
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

**Навбатчи муҳаррир**
Отабек САФАРОВ

**Саҳифаловчи**
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
**E-m@il:** kuch-adolatda@mail.ru
**Тел.:** 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-916. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7625.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20[00] Топширилди: 22[00]